



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 19 июль, пайшанба, 29-(453)-сон

Қуёш бугунларда

МАСЪУЛИЯТСИЗ ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИГА ҲАМ, ПАРТИЯГА ҲАМ ПАНД БЕРМОҚДА

О'zLiDeP Анджион вилоят кенгаши мутасаддилари диққатига!

Бугун водийнинг энг тез ва изчил ривожланаётган вилоятларидан бири — Анджиондаги ўзгаришлар, саноат, савдо, хизмат кўрсатиш ва энг муҳими, тадбиркорликда эришилаётган натижаларни кўриб, беихтиёр ислохотларнинг ҳар бир андижонлик ҳаётида акс этаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. 2,5 млн. дан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда «Мустаҳкам оила йили»да ҳам салмоқли натижалар кўлга киритилаётган.

Бу жараёнда бошқа сиёсий партиялар қатори О'zLiDeP фаоллари, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимизнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси борлиги қувонарли ҳолдир.

3 >>>

Ёшлар қаноту



КРЕДИТЛАРНИ ЁШЛАРГА БЕРИНГ

Янгирлик Маҳфуза Музаффарова яқиндагина коллеж талабаси сифатида отанаси қарамоғида эди. Бугун эса у нафақат ўзи, балки дугоналарини ҳам иш билан таъминлаётган тадбиркорга айланди.

Энг қувонарлиси, бундай ёшларнинг Сирдарёда кўпайиб бораётганидир. Айни пайтда Шухрат Расулов, Ўлмас Йўлдошев, Мансур Худойбердиев, Муҳиддин Ярбеков, Шермуҳаммад Ибодуллоев, Севара Маматкулова, Гуландом Камолдинова, Мамлакат Ҳаққулова каби юзлаб коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик соҳасидаги илк муваффақиятлари Сирдарё вилоятида тадбиркорларнинг ишончли авлоди шаклланаётганидан далолат бермоқда.

4 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 17 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божа ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати белгиланди:

1 Австрали доллар	↑ 1937,92
1 Англия фунт стерлинги	↑ 2933,34
1 Япония йени	↑ 297,48
1 Швейцария франки	↓ 1933,50
1 АКШ доллари	↑ 1896,57
1 ЕВРО	↑ 2323,56
10 Япония йениси	↑ 239,83
1 Украина гривнаси	↑ 237,28

* Валюта қиймати белгили чорда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



«ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКДАН — МУСТАҲКАМ ОИЛАГА» ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

4 >>>



БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ ТАШАББУСИ БИЛАН 130 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

5 >>>



«MITSUBISHI MOTORS» БОР-ЙЎГИ 1 ЕВРОГА СОТИЛДИ

7 >>>

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXiasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Муносабат

ИМТИЁЗДАН — ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «СТАТИСТИК, СОЛИК, МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ, ЛИЦЕНЗИЯЛАНДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ТУРЛИ СОҲА КИШИЛАРИ, АЙНИҚСА, ИШБИЛАРМОН ДОИРА ВАКИЛЛАРИ ОРАСИДА ҚИЗГИН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳужжалик юритувчи субъектларнинг

ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлаш, мулк дахлсизлигини таъминлаш, улар фаолиятига нисбатан ҳар қандай аралашувни бартараф этиш, энг асосийси эса давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни эркинлаштиришда муҳим аҳамият касб этаётганини хорижий экспертлар ҳам алоҳида таъкидламоқдалар.

2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тадбиркорларга янада кенг қулайликлар яратиш имконини берди.


Айни пайтда Олий Мажлис қуёш палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам айнан тадбиркорлик фаолияти соҳасида давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг изчил давоми сифатида эътироф этилмоқда.

2 >>>

ЯНА БИР БОР РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

СЎНГИ БИР НЕЧА ЙИЛ ДАВОМИДА КЕНГ ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИК, НУФУЗЛИ ЭКОЛОГИК ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ, КЎПЧИЛИК МАМЛАКАТЛАРНИНГ СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДА ТАДҚИҚОТЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИГАН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗЛАРИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРИ ТОЖИКИСТОННИНГ АМУДАРЭНИНГ ЮҚОРИ ҚИСМИДА ҚУВВАТИ 3600 МВТГА ТЕНГ РОҒУН ГЭСИ ИНШООТЛАРИ КОМПЛЕКСИНИ ҚУРИШ ЛОЙИҲАСИНИ ҚАЙТА ЖОНЛАНТИРИШГА ДОИР ҚАЙСАРОНА ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ МУҲОКАМАСИГА ҚАРАТИЛМОҚДА

Аввал бир неча марта таъкидланганидек, Роғун ГЭСини қуриш лойиҳаси кенг қўламли жиддий технологик, ижтимоий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий таҳдид ҳамда хавфларни келтириб чиқаради. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши нуфузли халқаро ташкилотлар ва мутахассислар, шунингдек, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.



6 >>>

Кичик бизнес тараққиётида кооперациянинг роли



О'zLiDePнинг Сайловолди дастурида жамият барқарорлигини таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш хусусий тадбиркорлик имкониятларидан қанчалик самарали фойдаланишга боғлиқ экани эътироф этилиб, ҳар қандай ўзгаришларга мослашувчан кичик бизнеснинг саноат соҳасидаги улушини кўпайтириш, тадбиркорлик тузилмалари ва йirik корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш партиянинг устувор вазифалари сифатида белгилаб олинган.

О'zLiDeP фракцияси ташаббуси билан Асака шаҳрида ўтказилган «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси мисолида «Саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги давра суҳбатида ана

шу йўналишларни ҳаётга жорий этиш хусусида атрофлича фикр юритилди.

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг қўламли ривожлантириш мақсадида изчил ислохот-

лар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ушбу секторнинг саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаяпти.

3 >>>

АСОСИЙ САРМОЯ — КИЧИК БИЗНЕСГА

Қарши туманидаги «Завкиев Азизбек Жамшидович» масъулияти чекланган жамияти 60 миллион сўмлик кредит эвазига корхона цехларини нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологиялар билан жиҳозлади.

Унга яқин киши иш билан таъминланган корхонада айни пайтда янги қувватларни ўзлаштириш ҳамда маҳсулот турларини кўпайтириш борасида иланишлар олиб борилаётган. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотларига кўра, жорий йилнинг 6 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят банклари томонидан 150,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, шундан 37,3 миллиард сўми озиқ-овдат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларга сарфланган.

Фармон ижросини қатъий назоратга оламиз

О'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИНИНГ 18 ИЮЛЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ЙИҒИЛИШИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «СТАТИСТИК, СОЛИК, МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ, ЛИЦЕНЗИЯЛАНДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПАРТИЯ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Унда таъкидланганидек, жаҳон иқтисодиётида инкироз чекинаётганига қарамай, ҳали-хануз дунёнинг қатор мамлакатларида ишсизлик ва қарздорлик оқибатида беқарор вазият сақланиб қолмоқда. Ўзбекистонда эса истиқлолнинг илк даврларидаёқ тўғри танланган йўл, ислохотлардаги изчиллик натижасида иқтисодий тармоқлари ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳамда модернизациялашнинг комплекс дастурлари амалга оширилапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг янги фармони ана шундай масъулиятли жараёнда иқтисодий таъминнинг таянч нуқтасига айланишга улгурган хусусий секторни янада ривожлантириш, унга қулай шарт-шароит яратишга қаратилган билан ҳам нихоятда му-

ҳимдир.

Унда таъкидланганидек, жаҳон иқтисодиётида инкироз чекинаётганига қарамай, ҳали-хануз дунёнинг қатор мамлакатларида ишсизлик ва қарздорлик оқибатида беқарор вазият сақланиб қолмоқда. Ўзбекистонда эса истиқлолнинг илк даврларидаёқ тўғри танланган йўл, ислохотлардаги изчиллик натижасида иқтисодий тармоқлари ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳамда модернизациялашнинг комплекс дастурлари амалга оширилапти.

Унда таъкидланганидек, жаҳон иқтисодиётида инкироз чекинаётганига қарамай, ҳали-хануз дунёнинг қатор мамлакатларида ишсизлик ва қарздорлик оқибатида беқарор вазият сақланиб қолмоқда. Ўзбекистонда эса истиқлолнинг илк даврларидаёқ тўғри танланган йўл, ислохотлардаги изчиллик натижасида иқтисодий тармоқлари ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳамда модернизациялашнинг комплекс дастурлари амалга оширилапти.

Унда таъкидланганидек, жаҳон иқтисодиётида инкироз чекинаётганига қарамай, ҳали-хануз дунёнинг қатор мамлакатларида ишсизлик ва қарздорлик оқибатида беқарор вазият сақланиб қолмоқда. Ўзбекистонда эса истиқлолнинг илк даврларидаёқ тўғри танланган йўл, ислохотлардаги изчиллик натижасида иқтисодий тармоқлари ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳамда модернизациялашнинг комплекс дастурлари амалга оширилапти.

Унда таъкидланганидек, жаҳон иқтисодиётида инкироз чекинаётганига қарамай, ҳали-хануз дунёнинг қатор мамлакатларида ишсизлик ва қарздорлик оқибатида беқарор вазият сақланиб қолмоқда. Ўзбекистонда эса истиқлолнинг илк даврларидаёқ тўғри танланган йўл, ислохотлардаги изчиллик натижасида иқтисодий тармоқлари ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳамда модернизациялашнинг комплекс дастурлари амалга оширилапти.

Муносабат

ИМТИЁЗДАН — ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «СТАТИСТИК, СОЛИК, МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ, ЛИЦЕНЗИЯЛАНДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА ТУРЛИ СОҲА КИШИЛАРИ, АЙНИҚСА, ИШБИЛАРМОН ДОИРА ВАКИЛЛАРИ ОРАСИДА ҚИЗГИН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀




Собир ЖАББОРОВ,
Олий Мажлис
Конунчилик палатаси
депутати, О'зЛиДеР
фракцияси аъзоси

Мазкур фармоннинг қабул қилиниши хусусий сектор эгалари учун қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтиришда беқиёс имкониятлар яратди, албатта.

Фармонда жорий йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомилларнинг бекор қилиниши белгиланган, бу уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоизни ташкил этади. Ёки лицензияланган фаолият турларининг 15 таси, яъни 20 фоизини бекор қилиш ёки бирхиллаштириш ҳисобига тадбиркорликка ҳалақит бераётган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш имкони туғилди.

Шу ўринда маҳаллий ва хорижий мутахассислар юқорида қайд қилинган қонун лойиҳаси ва Президентимиз фармонининг қабул қилиниши иқтисодий янада либераллаштириш ва мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга хизмат қилишини таъкидлаётганларини тилга олиш лозим.

Рухсат бериш тизимини ислоҳ этиш реал иқтисодий кўрсаткичларга олиб келади, албатта. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини янада



зия, рухсатномалар беришдан бош тортиш таъқиқла- ниши белгиланаётгани эса тадбиркор ва назорат органлари ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаб,

Мазкур фармонга асосан 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат беришга оид жами 80 та тартиб- таомиллар бекор қилиниши белгиланган. Бу, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривож- лантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва гов- ларни бартараф этиш, тадбиркорликка кўпроқ эркин- лик бериш имкони яратилди, деганидир.

2012 ЙИЛНИНГ 6 ОЙИДА БУХОРОДА ЖАМИ 828 ТА ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАГАН БЎЛСА, УЛАРНИНГ 769 ТАСИНИ МИКРОФИРМАЛАР ТАШКИЛ ЭТМОҚДА. 42 ТА ЯНГИ КОРХОНА ЭСА МАХСУС РУХСАТНОМА ВА ЛИЦЕНЗИЯЛАР БИЛАН ИШ БОШЛАГАН. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОНИ АЙНАН МАХСУС РУХСАТНОМАЛАР ВА ЛИЦЕНЗИЯЛАНДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БИЛАН ШУГУЛЛАНУВЧИ ТУЗИЛМАЛАР СОНИНИНГ ОРТИШИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЙЎЛ ОЧИБ БЕРИШИ БИЛАН ҲАМ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИ ҚУВОНТИРАЯПТИ.

енгиллаштириш истеъмол товарлари таннархининг ка- майиши, тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларнинг кўпайиши ва бошқа иқтисодий омиллар эвазига мам- лакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Халқаро молиявий корпорация экспертларининг маълум қилишларича, ушбу усул билан тадбиркорлик ривожини йўлидаги бюрократик хавфларни йўқотиш Ни- дерландия ишбилармонларига йилига 2 млрд. АҚШ долларини тежаш ва ишлаб чиқаришни модернизаци- ялаш имконини берган. Ҳиндистонда эса ЯИМ йи- лига 3,5 фоиздан 6-7 фоизга етишишга олиб келди.

Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги тажрибаси ҳам ри- вожланган мамлакатлар амалиётига тўла мос келаёт- ганини экспертлар алоҳида эътироф этмоқдалар.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш лозимки, Президен- тимиз фармони мамлакатимизда тадбиркорларнинг янада эркин фаолият юритиши ва уларнинг ишлаши учун қулай шарт-шароитни вужудга келтиради.

кичик бизнеснинг ривожига хизмат қилади. Бу бир томондан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ортиқча вақт сарфлашига чек қўйса, иккинчи томондан тад- биркор ўз ишини белгиланган вақтдан кечикмай бош- лашига шароит яратади.



Шароф Амонов,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлис Конунчилик
палатасининг Саноат, қурилиш
ва савдо масалалари қўмитаси
аъзоси, О'зЛиДеР фракцияси
аъзоси

МУҲИМ ҚАДАМ

Президентимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ми- нг-минглаб тадбиркорлик субъектларининг бизнес оламига кириб келишларига кенг йўл очиб беради.

Маълумки, кейинги йилларда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши изчил ўсиб бор- моқда. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳоли- нинг 75 фоизидан ортиги ушбу соҳада меҳнат қила- тгани ҳам хусусий секторнинг мавқени яққол кўрса- таяпти.

Халқаро молиявий корпорация вакилларининг ба- ҳолига қараганда, Юртбошимизнинг 2005 йилда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги қарори орқали тадбиркорлик соҳасида турли рухсат- номаларнинг қисқартирилиши йилига 5 млн. доллар миқдордаги маблағни иқтисод қилиш имконини бер- ган.

Навбатдаги фармон эса бу соҳадаги ишларни бу- тунлай янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз. Чунки унга кўра, бир қатор давлат статистик, молия, солиқ ҳисоботлари бекор қилинмоқда. Бу эса тадбиркор- ларни турли овозгарчиликлардан ҳалос этиб, ама- лий ишлаб чиқариш билан шуғулланишларига имкон беради. Бундан ташқари, фармонда бир қатор ҳисо- ботларни топшириш мuddати ўзгарганини ва бундай имтиёзлар тадбиркорлар вақтини тежашга, тўланаёт- ган солиқлар ҳисоботини ҳар чоракда эмас, ярим йил ёки бир йилда тўлаш учун имкон беради. Масалан, энди микрофирмалар йилига, фермер ҳўжаликлари эса йилига икки мартаба солиқ идораларига ҳисо- бот берадиган бўлдилар.



Мансур ЗОКИРОВ,
О'зЛиДеР Бухоро вилоят
кенгаши раиси

БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРГА ТЎСИҚ ҚЎЙИЛДИ

Президентимиз фармони иқтисодиётимизнинг таянч кучига айланиб бораётган тадбиркорлар дилидаги ўй-фикрларни ўзида акс эттирган муҳим ҳужжат бўлди.

Фармонда 2014 йил охирига қадар тадбиркор- лик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига

тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Шунингдек, 2012-2016 йиллар мобайнида ариза берувчилар мурожаатининг ўтиш жараёнини интерактив кузатиш имкониятини ярат- ган ҳолда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризалар қабул қилини- ши электрон шакллари жорий этиладиги, бу соҳа- ни жадал ривожлантириш имконини беради, албат- та.

Фармонда кўзда тутилган асосий мақсадлардан яна бири — соҳа ходимларини нафақат рўйхатга олиш, уларнинг кейинги фаолиятлари учун ҳам за- рур шароитлар яратиш билан чекланиб қолмай, ки- чик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг доимий ва барқарор иш юритишларини таъминлаш- дан иборатдир.

Фармон билан танишган киши яна бир муҳим ҳаётий жиҳатни англаб олади. Ҳозирги пайтда ай- рим тадбиркорлар ўз муаммолари бўйича маҳал- лий ижроия ҳокимияти органлари мутасаддилари- га қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур бўлиша- япти. Фармон бу ҳолатга ҳам батамом чек қўйиш имконини беради. Фикримизча, тадбиркор ижроия ҳокимияти вакилига қанчалик камроқ рўбарў бўлса, ўз вақтини долзарб масалаларга сарфлаш имко- нига эга бўлади. Шу маънода янги фармоннинг аҳамияти беқиёсдир.

Мана бу рақамларга эътибор беринг: 2012 йил- нинг 6 ойида Бухоро вилоятида жами 828 та янги корхона ва ташкилот иш бошлаган. Уларнинг 769 тасини микрофирмалар ташкил этмоқда. 42 та янги корхона эса махсус рухсатнома ва лицензиялар билан иш бошлаган. Ҳўш, бу жами рўйхатдан ўтган ташкилотларнинг неча фоизини ташкил этапти? Президентимиз фармони айнан махсус рухсатно- малар ва лицензияланган фаолият турлари билан шуғулланувчи тузилмалар сонининг ортишига тўғридан-тўғри йўл очиб бериши билан ҳам тад- биркорларимизни қувонтираяпти. Чунки вилояти- мизда 828 та янги корхона ва ташкилотнинг иш бошлаши билан 12 мингдан зиёд янги иш ўрни яра- тилди. Ишончим комилки, фармонда белгилан- гандек, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб бу кўрсаткич нафақат Бухоро, балки бошқа вилоятлар- да ҳам кескин ортади.

Биз эса ўрта синф вакиллари манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий куч аъзолари сифатида Прези- дентимиз фармони талабларининг ижросини қатъ- ий назоратга олишимиз лозим.

Фармон замиридаги яна бир ғоя бу ижроия ҳоки- мияти вакиллари ва назорат қилувчи ташкилотлар- нинг тадбиркорлар фаолиятига ҳуда-беҳуда арала- шишига йўл қўймасликдан иборат. Соҳани тарақ- қий эттириш учун амалдаги қонунларни либераллаш- тириш зарурлиги ҳам ушбу қонунда ўз ифодасини топган. Пировад натижада ушбу фармон кичик биз- нес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари фаолияти- ни эркинлаштириб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрса- тиш соҳасини ривожлантиришга олиб келади. Прези- дентимиз фармони шу пайтгача қабул қилинган ва амалда бўлган тадбиркорлик соҳасидаги меъё- рий ва қонуности ҳужжатларини тўлдирувчи ҳаёт- бахш, истиқболли ҳужжат сифатида эътироф эти- лаётганининг асосий боиси ҳам ана шунда.

Ғамхўрлик ва эътибор намунаси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 16 ИЮЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «СТАТИСТИК, СОЛИК, МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ, ЛИЦЕНЗИЯЛАНДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ХУСУСИЙ СЕКТОРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОРНИНГ ЁРКИН НАМУНАСИ БЎЛДИ

Мансур СУЯРОВ,
Сурхондарё вилоят давлат солиқ
бошқармаси бошлиғи


Дарҳақиқат, мамлакатимизда статистик, солиқ ва молиявий ҳисо- ботларнинг мавжуд тизими катта бўлиб, бу жараёни тубдан ислоҳ қилини тезкор даврнинг ўзи тақо- зо этаётган эди. Шубҳасиз, фармон- да белгиланган қатъий чора-тадбир- ларнинг амалга оширилиши иш- билармонлик муҳитини тубдан ях- шилаб, тадбиркорлик тузилмалари учун янада қулай шарт-шароит яра- тишга хизмат қилади. Масалан, Сур- хондарё вилоятида 14 минг 189 та ҳисобот топшириш мажбуриятига эга ҳўжалик юритувчи субъект фао- лият юритмоқда. Уларнинг ойма-ой ҳисобот топширишини бекор қилиш солиқ тўловчиларга ишонч ортаёт- гани ва жаҳон талабларига жавоб берадиган қулайлик яратилаётгани- га мисол бўлиши мумкин. Солиқ идораларига ҳисобот тақдим этиш- нинг янги тизимида ҳўжалик юри- тувчи субъектлар бир йилда анча- гина маблағни тежаб ҳам қолади. Шунини алоҳида эътироф этиш ло-

зимки, фармонда 2014 йил охири- га қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топши- ришнинг электрон шакли тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтқа- зилиши белгилаб қўйилди. Ярати- лаётган бундай қулайлик тадбиркор- лик субъектлари вакилларининг вақ- ти ва маблағини тежаб қолишга йўналтирилгани билан аҳамиятли- дир. Вилоятда солиқ ҳисоботлари- ни электрон шаклда қабул қилиш учун барча шароит мавжуд. Вилоят давлат солиқ бошқармасида ахборот-коммуникация технологиялари асосида электрон ҳўжат айланиш тизими жорий этилгани ҳам ўз са- марасини бермоқда. Бошқарма ва унинг қўйи тизимларида мавжуд 468 замонавий компьютернинг уч юзга яқини локал компьютер тармоғига уланган. 280 дан ортиқ компьютер давлат солиқ қўмитаси орқали Lex.uz, gov.uz миллий сайтлари билан бевосита боғланган. Бошқар- мада жорий этилган дастурий масъ- уллардан фойдаланиш самарадор- лиги 97,1 фоизни ташкил этмоқда. Электрон (қоғозсиз) ҳўжат алма- шув улуши идора ичида 100 фоиз, идоралараро 94 фоизга етди. Бу

усул бошқарма ва унинг қўйи тузил- маларида бир неча миллион сўмлик қоғоз харажатларини тежаб қолаёт- ти.

Шу ўринда яна бир нарсани ай- тиш лозимки, ахборот технология- лари шиддат билан ривожланаёт- ган бугунги кунда қардорлиги мав- жуд ҳўжалик юритувчи субъектлар учун инкасса топшириқномаларини ҳам тижорат банкларига электрон усулда жўнатиб, қоғоз тежамқорли- гига эришаёلمиз. Барча турдаги ҳўжалик юритувчи субъектларда солиқ ҳисоботларини электрон шак- лда қабул қилиш тизими яратилга- ни давлат, жамоат ташкилотлари ва хусусий секторда фаолият юрита- ётган давлат, ҳўжаликларнинг қоғоз сарф-харажатларини тежаб қолишида жуда қўл келди.

Айни пайтда ҳўжалик юритувчи субъектлар учун яратилаётган бун- дай қулайликлар соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият ҳам юк- лади. Ҳисобот турларининг тарки- би ва мазмунини қайта кўриб чи- қишни тақозо этади. Янги тизимга ўтилган, тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай шарт-шароит яра- тилиб, ишбилармонлик муҳити туб- дан яхшиланади.



Гулнора ШУКУРОВА,
Қиёрай туманидаги «Шукурова
Гулнора» фермер ҳўжалиги
раҳбари, халқ депутатлари
Тошкент вилоят кенгаши
депутати



ТАДБИРКОРЛАРГА АМАЛИЙ КЎМАК

Юртбошимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тегишли лицензия асосида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун айнақса муҳим аҳамиятга эга бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, ана шу муҳим ҳўжатда фаолият турлари учун бериладиган лицензиянинг амал қилиш мuddати чекланмаслиги қатъий белгилаб қўйилгани айни муд- дао бўлди. Чунки шу кунгача амалиётда тадбиркор- ларнинг асосий вақти ушбу лицензияни олиш, амал қилиш мuddати тугагач уни янгилаш, айрим сабаблар туфайли лицензияни янгилашга улгурмаганда ишлаб чиқариш фаолиятини тўхташи натижаида касодга уч- раган ҳолатлар ҳам рўй бераётган эди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрсатилган камчилик- ларни бартараф этган ҳолда аризалар тақдоран тақ- дим этилган тақдирда янги асослар бўйича лицен-

Фракция ташаббуси билан


Кичик бизнес тараққиётида кооперациянинг роли

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,
Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Президентимизнинг ишбилармон доира вакиллари учун максимал даражада қўлай шароит яратиш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашганини кескин қисқартириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар беришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари бу борада муҳим дастуриямал вазифасини ўтамоқда. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида хусусий секторнинг ҳиссаси 54 фоизга етгани, сўнгги 11 йилда саноат ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг улуши 12,9 фоиздан 25 фоизга ўсгани ҳам ана шу эътибор самарасидир.

Саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик қорхонлар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилиши, уларни жойлаштириш учун ер участкаларини ажратиш ҳақидаги аризаларни қўриб чиқиш муддати қисқартирилиши натижасида бугун юртимизда саноат соҳасида 35 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида қиймати 758 миллион АҚШ долларида зиёд 29



қий этган мамлакатлар ҳам, замонавий бозор муносабатларига эндигина ўтаётган давлатлар ҳам тадбиркорлик фаолиятининг истиқболли йўналишларини қўллаб-қувватлашда мазкур тизимдан имкон

корлик субъектлари билан кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаётган бўлса, иккинчидан, енгил автомобилларни маҳаллийлаштириш даражаси айна кунга келиб 55 фоиз-

ри билан кичик бизнес субъектлари ўртасидаги кооперация алоқаларининг ривожланиш тарихига эътибор қаратсак, биринчи қалда, соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилгани, маъмурий бошқарув тузилиши ўзгаририлгани, ўнлаб технопарклар, эркин иқтисодий зоналар ташкил этилгани кўз олдимизда яққол намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам давра суҳбати иштирокчилари тадбирда билдирилган тақлифлар ва ривожланган ҳорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда саноат қорхоналари билан кичик бизнес субъектлари ўртасидаги кооперация алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур, деган хулосага келди. Бунда, энг аввало, амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ тақлифлар тайёрлаш, «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги давлат дастурини амалга ошириш устидан қатъий парламент назоратини ўрнатил, ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ўйлантираётган муаммоларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Фракция аъзоларининг фикрича, 1991 йилда қабул қилинган «Кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ёки уни жаҳон иқтисодиётига юз бераётган замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда янги тахрирда қабул қилиш мақсада мувофиқдир. Шунингдек, кичик қорхоналарни юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига кенг жалб этиш ва бу соҳага инвестиция киритишни рағбатлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни назарда тутичи «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги йирик қорхоналар билан кооперация алоқаларини ривожлантириш Миллий дастури»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тақлиф этилмоқда.

Кези келганда, олий ўқув юрлари қошида юқаск технологияларни ўзлаштириш зоналари (технополислар), йирик саноат қорхоналарида эса илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш лозимлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, технополислар замонавий бозор иқтисодиётининг муҳим элементларидан бўлиб, йирик саноат қорхоналари билан кичик бизнес субъектларининг алоқаларини мустаҳкамлашда долзарб аҳамият касб этади.

Очқ мулоқот ва қизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтган давра суҳбатида яна қўллаб амалий тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Уларнинг ҳаётият таъбиқ этилиши хусусий сектор вакиллари учун янги имкониятлар эшигини очиб била бирга иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлаши, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромади ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Ғамхўрликдан бошим осмонга етди

ЮРТБОШИМИЗНИНГ БИЗ, ҒАЛЛАҚОРЛАРГА ЙЎЛЛАГАН ТАБРИГИДА ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИ ТИЛГА ОЛИНГАНИДА ШУ ЕРДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН БИР ФЕРМЕР СИФАТИДА КЎНГЛИМ ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ

Шоди АБДУЛЛАЕВ,
Пастдарғом туманидаги «Дўстлик» фермер хўжалиги раҳбари

Чиндан ҳам юртимизнинг етти миллион бир юз етмиш минг тонналик улкан хирмонида пастдарғомлик деҳқонларнинг ҳам муносиб улушлари бор. Туманда 18 минг 415 гектар ерга бугдой экилиб, унинг ҳар гектаридан 65 центнердан сара дон етиштирилди. Бу эса шартнома режаси 113,7 фоизга бажарилди, дегани.

Ўзим етакчилик қилаётган «Дўстлик» фермер хўжалиги ерларига 50 гектар майдонга «Краснодар-99» навини қадагандик. Ҳосилдорлик ҳар галгидан ҳам баракали бўлди. Ўтган йили гектаридан 52 центнердан ҳосил олинган майдонларимизда жорий йилда 62 центнердан бугдой етиштирдик. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, соф даромад 37 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Фермер хўжалигида меҳнат қилаётган 20 нафардан ортиқ ишчиларга улуш сифатида икки-икки ярим тоннадан бугдой бердик.



Айни паллада яна бир катта довод олдиде турибмиз. Жорий йилда пахтанинг «Султон» нави экилган 60 гектар майдондан 132 тонна «оқ олтин» топширишга шартнома тузганмиз. Ўтган йили режани 117 фоизга бажарган бўлсак, жорий йил мазкур кўрсаткични янада оширишни ният қилганмиз.

Қуёв бўғунларда

Масъулиятсиз депутат сайловчига ҳам, партияга ҳам панд бермоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Илхомжаз
ЭГМАНАЗАРОВ,
«XXI ASR»

Шу ўринда халқ депутатлари Марҳамат туман кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари, "Турон" ёшлар ва ногиронлар ўқув маркази етакчиси Ортиғали Хусанов ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини кенг қўллаб-қувватлаш мотириятини таъкидлаш қилиш, вилоятда янги иш ўринлари яратиш жараёнида депутатлар фаолиятини таъминлашга бош-қош бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Амалдаги қонунлар ва ҳудудий дастурлар ижроси, ечимни қутаётган масалалар депутатлик гуруҳида муҳокама қилиниб, маҳаллий кенгаш сессияларига киритилапти.

Масалан, депутатлик гуруҳининг навбатдаги йўғилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўғилишиз тақсилар фаолиятини тартибга солиш чоралари тўғрисида"ги қарорининг ижроси юзасидан туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари М.Маҳмудовнинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳокамадан кейин бу соҳадаги аҳоли иқбали томонга ўзгарганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, йўғи кира ҳақларидаги номутаносиблик тартибга солиниди, ноқонуний фаолият кўрсатаётган «тадбиркор»лар қонуний рўйхатдан ўтган, бюджетта тушумлари янада қўлайди.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, О'зЛиДеР Қўрғонтепа туман кенгаши раиси Рустамжон Тўрахонов эса туман ҳамда Қорасув, Хонобод шаҳарларидаги маиший хизмат уйлари ҳолатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, ташландик ҳолга келиб қолган маиший хизмат уйлари асакалик Мавлуда Қодирова томонидан ниҳоятда арзон баҳода сотиб олинганини аниқлади. Шундан кейин тадбиркор депутатлик гуруҳи йўғилишига тақлиф этилиб, унга бу иншоотлардан фойдаланиш ёки ижарага бериш йўли билан маиший хиз-

мат уйлари фаолиятини кескин жонлантириш бўйича тавсиялар берилди. Айни пайтда депутатлик гуруҳи ушбу масалани кенгаши сессиясига киритиш учун тайёрлик кўрмоқда. Аммо беш кўл баробар эмас, деганларидек, барча туман кенгашидаги унутиб қўйилганини ҳам кўрсатмайдими? Ваҳоланки, халқ депутатлари Булоқбоши туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари орасида хусусий қорхона раҳбари, Замирахон Тоштемирова, "Қўрғонча" КВП бош шифокори Малоҳат Содикова, фермер хўжалиги раҳ-

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН БИРОТГА ҲАМ ҚОНУН ИЖРОСИ ЎРГАНИЛМАГАНИ, НА СЕССИЯ ВА НА ГУРУҲ МУҲОКАМАСИГА ЭЛЕКТОРАТГА ДОИР МАСАЛАЛАР КИРИТИЛМАГАНИДАН ҚАНДАЙ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ МУМКИН? БУ АЙНИ ПАЙТДА БУЛОҚБОШИДА О'ЗЛИДЕРДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДА НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ФУНКЦИЯСИ УНУТИБ ҚЎЙИЛГАНИНИ ҲАМ КЎРСАТМАЙДИМИ?

депутатларимиз ҳам ана шундай фаоллик кўрсатмаётдилар. Масалан, халқ депутатлари Булоқбоши туман кенгашидаги 21 та депутатлик гуруҳининг 9 тасини О'зЛиДеР, 7 тасини ХДП, 2 тасини "Миллий тикланиш" ДП, 3 тасини "Адолат"чилар эгаллаганлар. Кўриниб турибдики, партиямиз вакиллари туманда энг кўп ўринни банд этиб, етакчи гуруҳ мақомига эгалар. Аммо улар фаолияти ҳозирча ана шу мақомга жавоб бераётгани йўқ. Гарчи кейинги пайтда кенгашнинг 16 та сессияси ўтган бўлса-да, депутатлик гуруҳи партия электорати манфаатини қўзлаган бирорта масалани мустақил, ўз ташаббуси билан сессияга киритмаган.

Ушбу рақамларга эътибор беринг: жорий йилнинг олти ойида туманда 327 та тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган. Уларнинг реестрдаги умумий сони эса 1399 тани ташкил этади. Бу туманда тадбиркорлик тузилмалари сони ортиб бораётганини кўрсатади, албатта. Аммо депутатларимиз томонидан бирорта ҳам қонун ижроси ўрганилмагани, на сессия ва на гуруҳ муҳокамасига электоратга доир масалалар киритилмаганидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Бу айни пайтда Булоқбошида О'зЛиДеРдан сайланган депутатлар фаолиятида назорат-таҳлил функцияси барлари Раҳимжон Юсуфалиев, Муборак Исроилова, Андижон тажрибасинов заводи цех бошлиги Иброҳим Ҳасанов, "Сарвонтепа" КВП бош шифокори Собир Умаров сингари обрў-эътибор ва ҳаётий тажрибага эга бўлган сафдошларимиз бор. Аммо, афсуски, улар ўз ваколати ва имкониятларидан фойдаланмай, ҳудудни ривожлантиришдаги ҳаётий масалалардан ўзларини четга олмоқдалар. Тўғри, айрим депутатлар томонидан электр тармоғи қорхонаси мутасаддиларига таъминотдаги чеклашлар масаласида 3 та депутатлик сўрови юборилган. Албатта, шундан кейин чекловлар камайиб, маҳаллалар аҳолиси ва тадбиркорларга қўлайлик яратилди. Аммо газ таъминоти қорхонаси раҳбарига йўғилган етти депутатлик сўрови натижаси ҳалигача назоратга ҳам олинмаганидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Хўш, булоқбошилик депутатлар фаолиятидаги бундай сусткашлик, таъбир жоиз бўлса, лоқайдликдан О'зЛиДеР Андижон вилоят кенгаши мутасаддилари хабардормилар? Ёки ҳудудда «сен менга тегма, мен эса сенга» қабилда иш тутилмоқдими? Тахририят ўз навбатида кенгаш аъзоларидан ана шу саволларга жавоб қутиб қолади.

та стратегик инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётгани ва бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 38,2 фоизга ошгани ҳам соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, ҳудудлардаги саноат объектларини модернизация қилиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Мисол учун, ўтган йили аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида бир миллионга яқин янги иш ўрни яратилган бўлса, шундан 64 фоизи жойларда кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини рағбатлантириш ҳисобига очилди. Биргина Қашқадарь вилоятида 2010 йилда 4147 та кичик қорхона ташкил этилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 5369 тага етди. Жиззах вилоятида эса ушбу рақамлар тегишли равишда 1401 ҳамда 1555 тани ташкил қилди.

— Ана шундай сазй-ҳаракатлар натижасида кичик қорхоналар томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Соҳибжон Исмоилов. — Тадбиркорлик субъектларининг мамлакат умумий экспортдаги улуши 16,3 фоизга етиб, айни пайтда унинг ҳамми ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидадан ошгани ҳам фикримизга далил бўлиши мумкин. Шунингдек, кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси ҳам барқарор равишда ўсиб бораётгани қузатилмоқда. Ҳудудлар кесимида олиб қарасак, бу кўрсаткич Жиззах вилоятида 43,5 фоиз, Самарқанд вилоятида 43,2, Наманган вилоятида эса 39 фоизга тўғри келмоқда.

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА: КЛАСТЕР МЕХАНИЗМИ ТАҲЛИЛИ

Йирик саноат қорхоналари билан кичик бизнес субъектлари ўртасидаги кооперация алоқаларини янада мустаҳкамлашда ривожланган давлатлар тажрибасини танқидий нуқтанга назардан ўрганиш, жумладан, қатор мамлакатларда амал қилаётган кластер механизмининг қиёсий таҳлил қилиш орқали уни юртимизда жорий этиш яхши самара бериши мумкин.

Маълумки, кластерлар одатда рақобатбардош маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш мақсадида техник ва технологик ишлаб чиқариш соҳасида жадал ривожланиш қутилаётган ҳудудларда ташкил этилади. Шунинг учун бўлса керак, иқтисодий жиҳатдан тарақ-

қадар кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилади. Айни пайтда дунёда ахборот-телекоммуникация, машина-созлик, металлургия, энергетика, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш ҳамда қурилиш йўналишида қўллаб-қувватлаш фаолият кўрсатмоқда.

— АҚШдаги «Кремний водийси» кластери атрофида қарийб 87 миңга компания, 180 дан зиёд венчур фирмалар ва қарийб 700 та банк, ўнлаб тадқиқот марказлари ташкил этилган бўлиб, кичик бизнес субъектларининг йирик саноат қорхоналари билан кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга, пировадиде жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот чиқаришига катта ҳисса қўшиб келмоқда, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Равшан Аскарлов. — Европада эса 2 миңдан зиёд кластерлар, яъни саноат гуруҳлари мавжуд. Аҳамиятли томони шундаки, Европа Иттифоқида аъзо мамлакатлардаги жами ишчи кучининг 38 фоиздан зиёди айна ман шу тизимда меҳнат қилади. Янаям аниқроқ айтсак, Дания, Финляндия, Норвегия ва Швециядаги саноат қорхоналари тўлиқ кластер механизмида фаолият кўрсатади. Қатор йиллар давомида Финляндияда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражаси жаҳон рейтингиде энг юқори ўринларни эгаллаб келаётгани ҳам бежиз эмас.

Италияда эса «индустриал округлар» деб номланган кластерлар кенг тарқалган. Бир миллиондан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини бирлаштирган 200 га яқин ана шундай округларда бугун 6 миллион киши иш билан таъминланган. Кооперация алоқаларининг бундай шакллари Осие мамлакатларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Хусусан, Япония, Жанубий Корея ва Хитой иқтисодиётининг бугунги даражага қўтарилишида, кичик бизнеснинг саноатдаги улуши 2-3 баравар ошишида ҳам айнан кластер механизми асосий омил бўлиб хизмат қилди.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг фикрича, саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган тадбирнинг айнан «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси мисолида ўтказилиши бежиз эмас.

Биринчидан, мазкур тизимда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириш, унинг ташки омилларга боғлиқ жиҳатларини камайтириш, янги технологияларни жорий этиш, энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбир-

дан ошиб кетди. Бундан ташқари 1400 турдан ортиқ бутловчи буюмлар, жумладан, қолипчанга, пластик ва резина-техника қисмлари, экстерьер, интерьер ва шасси тизими деталлари ҳам айнан кичик бизнес субъектлари томонидан етказиб берилмоқда. Бугунги кунда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси 180 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ишлаб чиқариш кооперациясини йўлга қўйган бўлиб, уларда 11 миңдан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Биргина ўтган йили ушбу тизимда маҳаллийлаштириш дастури доирасида 35 та лойиҳа амалга оширилиши туғайли умумий қиймати 3915,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 732,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилда амалга оширилаётган 51 та лойиҳа бўйича умумий қиймати 4738,7 миллиард сўмга тенг маҳсулот ишлаб чиқариш, 786 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Таққослаб кўрсак, 2006 йилда «Ўзавтосаноат» АК қорхоналарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан товар, иш ва хизматлар етказиб берилган ҳажми 12,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 67,2 миллион долларга етганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Саноатда янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига сайин уларнинг бутловчи қисмларини етказиб берувчи кичик қорхоналар сони ҳам ўз-ўзидан ошиб бораверади. Демак, бугун йирик саноат қорхоналари кичик бизнесни ўз ортидан эргаштирувчи муҳим тармоқга, таъбир жоиз бўлса, локомтивга айлана бормоқда. О'зЛиДеР эса бу йўналишда олиб борилаётган ишларни янада кенгайтириш жараёнида фаол иштирок этапти.

— «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбир саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга бағишланганлиги билан аҳамиятлидир, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Шароф Омонов. — Фракциямиз бу борада қузатилаётган ўзгаришларни яна бир бор таҳлил қилиб, унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаётганини ҳам айтиш мумкин.

СОҲАГА ОИД ҚОНУНЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК

Юқориде тилга олинган мамлакатларда йирик саноат қорхонала-

Партиявий лойиҳа

Унутманг, аёл кўлини қаерга узатса, етади!

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ»НИНГ «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИҚДАН — МУСТАҲКАМ ОИЛАГА» ЛОЙИҲАСИ ҲАВАСКОР ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲАМ БИЗНЕСНИНГ КАТТА ЙЎЛИГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЯПТИ

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросида фаол иштирок этаётган O'zLiDePнинг «Аёллар қаноти» ҳам аниқ мақсадларга йўналтирилган партиявий лойиҳаларни илгари сурмоқда.

Мазкур тузилманинг тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиққан «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оиллага» лойиҳаси тақдиротида ҳам асосий эътибор хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенгроқ жалб этиш масалаларига қаратилди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамованинг таъкидлашича, лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсад илмфан ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашишдир.

Лойиҳа муаллифларининг фикрича, мазкур ташаббус 2011 йилдан буён амалга оширилаётган «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳасининг мантиқий давоми бўлиб, лойиҳа доирасида бизнес оламига илк қадамини қўяётган хотин-қизлар учун уч босқичли ўқув-семинарлар ташкил этилади. Янги технологиялар ва интерфол усуллар, баҳс-мунозара шаклида ўтадиган тадбирларда намунали бизнес лойиҳа туза олган голибларга тижорат банклари томонидан кредит олиш имконини берувчи сертификатлар топшириш кўзда тутилган.

— 2011 йилдаги тадбирларимизда 6458 нафар хотин-қиз тадбиркорликнинг дастлабки сир-асрорларини ўрганган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг 20 мингга етиши кутиляпти, — дейди М.Акрамова. — Лойиҳа доирасида барча ҳудудлардаги аёллар ўртасида кулай бизнес муҳитини яратиш ва уни ривожлантириш юзасидан тизимли мониторинг ҳамда жамоатчилик назорати олиб борилади. Муҳокама этилган масалалар юзасидан депутатлик сўровлари ва назорат-таҳлил ишларини ташкил этиш, амалдаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳам режалаштирилган.

Шунингдек, лойиҳа доирасида чекка ҳудудларда оилавий бизнесни йўлга қўйган ва тадбиркорликка энди қўл ураётган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уй ва деҳқон ҳўжалигига асосланган оилавий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари билан кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали кишлоққа sanoatни олиб кириш масалалари ҳам кўзда тутилган.

Реал натижаларга эришиш мақсадида O'zLiDeP «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари, «Тадбиркор аёл» республика ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси каби ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилди, бу эса лойиҳа голибларининг бизнес-ре-



жалари тўлиқ молиялаштирилади, деганидир. — 2011 йили мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 335 млрд. сўмдан ортқ кредит йўналтирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 365 млрд. дан ошади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки масъул ходими А.Сайфуллаев. — «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида эса жами 60 млрд. сўмдан ортқ микрокредитлар ажратиш кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида голибликни қўлга киритган опа-сингиллари-

мининг бизнес-режаларини тўлиқ молиялаштириш учун бугунги кунда барча банкларимизда имкониятлар бор. Кредит олиш йўлланмасини қўлга киритган голиблар банк ҳужжатларини ўз вақтида тақдим этсалар, бас.

Хуллас, «Аёллар қаноти»нинг «Оилавий бизнесдан — мустаҳкам оиллага» лойиҳасининг муваффақиятли амалга оширилиши жойларда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, кичик бизнес субъектларини сонини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

Ёшлар қаноти

Кредитларни ёшларга беринг

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада

Шухрат ИХТИМОВ,
«XXI ASR»

Мана, икки йилдирки, Маҳфуза Музаффарова партиявий лойиҳаларда муваффақиятли қатнашиб, ўз бизнес-режаларини амалиётга татиб этмоқда. Жумладан, 2011 йилда у ўз лойиҳаси учун «Кишлоққурилишбанк»нинг Янгиер шаҳар филиалидан тикувчилик ва тўқувчиликка ихтисослашган кичик корхона очиб учун 5 млн. сўмлик имтиёзли кредит олди.

— O'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси менга ана шундай имкон берди, — дейди Маҳфуза. — Бизнес-режамга мувофиқ, 3 та янги тикув машинаси сотиб олдим. Ҳозирда опаларим ва дугоналарим билан маҳаллий буюртмалар асосида кийим-кечаклар тикаяпмиз.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда вилоятнинг 47 та касб-хўнароқ коллежи ва 4 та академик лицейини яқунлашганларнинг 709 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган бўлса, шу кунгача уларнинг 216 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди. Албатта, бунда партия «Ёшлар қаноти» фаолиятининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Уларнинг саъй-ҳаракати ва ташкилотчилиги самараси ўлароқ, 2011 йилда вилоят бўйича 75 нафар йигит-қиз имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Жумладан, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида таълим муассасаларининг 50 нафар битирувчиси ўз бизнес-режаси билан иштирок этиб, улардан 5 нафари имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди.

Жорий йилда эса «Диплом би-

лан — бизнесга» лойиҳасига «Ипотека банк», «Асакабанк», Фермер ҳўжаликчиси уюшмаси ҳам жалб этилди. Апрель ойида бўлиб ўтган туман ва шаҳар босқичларида 500 нафар битирувчи қатнашиб, уларнинг 120 нафари энг яхши гоёлар ижодкори сифатида вилоят босқи-

Маҳаллий кенгаш депутатлари, сиёсатшунос олимлар ва тарихчилар билан ҳамкорликда ўтказилган бундай тадбирларда асосий эътибор жамиятда фуқаролик жамияти институтларининг роли, мамлакатимизда қонун устуворлиги, хусусан, сиёсий партияларнинг

ЖОРИЙ ЙИЛДА ВИЛОЯТНИНГ 47 ТА КАСБ-ХўНАРОҚ КОЛЛЕЖИ ВА 4 ТА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙНИ ТАМОМЛАГАНЛАРНИНГ 709 НАФАРИ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУГУЛЛАНИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН БўЛСА, ШУ КУНГАЧА УЛАРНИНГ 216 НАФАРИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ.

чида — уч кунлик ўқув-семинарларда иштирок этишди. Машгулотлар ниясида 20 нафар иштирокчининг бизнес-режаси учун «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамда «Ипотека банк» АТБнинг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари топширилди.

— Фақат тадбиркорликни тарғиб этиш билан чекланиб қолмаямиз, — дейди O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Дилшод Тўракулов. — Тенгдошларимизнинг маънавий дунёқарашини бойитиш ва янада юксалтириш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Жумладан, Гулистон шаҳридаги Педагогика ва Тиббиёт коллежлари, Ховос туманидаги «Гулбаҳор» кишлоқ ҳўжалик коллежи, Сирдарё туманидаги академик лицей талабаларини иштирокда Президентимиз Ислоом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асари мазмун-моҳиятига бағишланган давра сўхбатлари ташкил этдики.

ёшлар ҳаётидаги ўрни каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. Уларда, шунингдек, ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол авлод сифатида вояга етиши йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи, улкан бунёдкорлик салоҳияти тўғрисида атрофлича сўз юритилди.

Маълумки, айни пайтда юртимиздаги энг чекка кишлоқларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган замонавий лицейлар, касб-хўнароқ коллежлари ва мухташам спорт мажмуалари фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Сирдарё вилотида жами 1476 та спорт иншооти аҳоли, хусусан, ёш йигит-қизларга хизмат қилаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» маҳаллий ёшларнинг нури келажак сари ҳеч бир иккиликларимиз қадам ташлашлари учун барча имкониятларни ишга солаётди. Уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат ва амалий ёрдами аямаётди. Натижалар ҳам, табиийки, ҳаракатга яраша бўлаяпти.

Реклама ўрнуга



Хизмат сифати ва маданияти яхшиланмоқда

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МУЛҚДОРЛАРНИНГ ўРТА СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. БУ, ШУБҲАСИЗ, ўЗ САМАРАСИНИ БЕРАЯПТИ.

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Ички бозор рақобатбардош маҳсулотларга тўлиб, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалмоқда. Мамлакатимиздаги нуфузли молия муассасаларидан бири — АТИБ «Ипотека банк»нинг Юнусобод филиали жамоаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам айнан кичик бизнес ривожига қаратилган.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, кредит қўйилмалари ҳажми қарийб 23 миллиард сўмга етиб, йил бошидагига нисбатан 2,5 млрд сўмга ёки 11 фоизга ошганлиги бунинг исботидир. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тижорат банклари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, «Ипотека банк»нинг Юнусобод филиали ҳам миқдорларга яқин маддадор ва камарбаста бўлишга интиляпти.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит миқдори қарийб 8,3 млрд. сўмни ташкил этди. Амалий саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, жойларда қўллаб-қувватлаш йўналиши яратилмоқда.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган ҳозирги кунда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим вазифалардан биридир. Тижорат банклари рақобатли бўлиши билан айни соҳага ихтисослашган корхо-



налар сони ортиб бормоқда. Бу эса турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Жорий йилнинг айни давригача озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 1,2 млрд. сўм миқдорда кредит маблағи ажратилганлиги ҳам эътиборга моликдир.

«Ипотека банк»нинг Юнусобод филиали жамоаси давр талабларидан келиб чиқиб, хизмат сифати ва маданиятини оширмоқда. Бунинг учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланиляпти. Масалан, «Мега импорт плюс» маъсулияти чекланган жамияти билан қарийб беш йилдан бери ҳамкорлик қилинмоқда. Ушбу корхонага туноқа ва туноқа маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун банк томонидан қарийб 3 миллиард сўм миқдорда инвестицион кредит ажратилган эди. Молиявий ёрдам, бошқаруви самарали ташкил этиш орқали ҳозирги кунга келиб корхонада 15 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, мустақил ҳаёт йўлида ёш оилаларни

хар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашда уларга яқин маддадор бўлиш ислохотлар жараёнидаги долзарб масалалардан бири саналади. Филиал жамоаси ҳам бу ҳайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Йил бошидан буён филиал томонидан ёш оилаларга 63,8 млн. сўм миқдорда ипотека кредитлари ажратилди.

Шунингдек, 33 та ёш оилага тўй маросимлари ўтказиб, мебель жиҳозлари ва маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган маиший техника воситалари сотиб олиш учун йўналтирилган истеъмол кредитлари миқдори 348 млн. сўмни ташкил этмоқда. Жойларда оилавий тадбиркорларни ривожлантириш учун 79,7 млн. сўм, тадбиркор аёллар учун 681 млн. сўм кредит ажратилди. Инвестицион кредитлар миқдори 4,3 млрд. сўмдан, бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида йўналтирилган кредитлар эса 30 млн. сўмдан зиёддордир.

Кези келганда бир нарсани алоҳида таъкидлаш

жоиз: бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ихтиёр этган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Ўз келажagini ушбу соҳа билан боғлаган йигит-қизлар филиал жамоасининг эътиборидан четда эмас. Жумладан, айни пайтгача касб-хўнароқ коллежлари битирувчилари учун 35 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди.

Юнусобод туманида аҳоли яшайдиган кўп қаватли уйлар қўп. Уларнинг том ва ертўлаларини таъмирлаш учун 5 та хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатига 25 млн. сўм миқдорда кредит маблағи йўналтирилди. Жорий йил охиригача ушбу миқдорни бир неча баробарга ошириш режалаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Ипотека банк» Юнусобод филиали ҳаётини таллаб ва эҳтиёткорлик билан қўллаб-қувватлаш мақсадида йўналтирилган кредитлар эса 30 млн. сўмдан зиёддордир. Кези келганда бир нарсани алоҳида таъкидлаш

Баҳс-мунозаралар асосли бўлсин

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР УЛАРНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИ ВА ЖАМИЯТДА КўППАРТИЯВИЙЛИК ТАМОЙИЛИНИ ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИШ ҲАМДА ПАРТИЯЛАРАРО РАҚОБАТ МУҲИТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИГА ИМКОН БЕРАЯПТИ

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Бирок Юртбошимизнинг 2010 йил 27 январдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилсагина кутилган натижа беради ва сайловчилар манфаатига хизмат қилади.

Афсуски, ўз сиёсий рақибларини асосси ва энгил-елли танқид қилишдан нарига ўтмаётган айрим сиёсий партияларнинг айни кундаги фаолияти бунинг аксини кўрсатапти. Хусусан, Халқ демократик партиясининг кейинги вақтдаги партиялараро рақобат жараёнида тутаётган позицияси бунга мисол бўлиши мумкин. Мазкур сиёсий кучнинг матбуот орқали чиқишларида ҳам турли популистик қарашлар, сайловчи қўйини пуч ёноққа тўлдирishi ва шу орқали жамоатчилик эътиборини тортиш ҳолатлари яна намойи бўляпти.

ЎзХДПнинг бундай йўл тупишига партия дастури ва Сайловдаги платформаси йўл очиб бераётгандек туюлади. Чунки халқ демократларининг асосий стратегик йўналишларини белгилаб берувчи ана шу икки ҳужжатнинг мазмуни ҳам фақат умумий қарашлардан иборат, ҳолос. Уларни чуқурроқ таҳлил этсак, на партия дастури ва на Сайловдаги платформасидан аниқ мақсадга йўналтирилган бирор-бир тақдир ёки ташаббусни топиш қийин. Хусусан, партиянинг 2010-2015 йилларга мўлжалланган Сайловдаги дастурида сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш баён қилинади. Асосан, «ташаббус билан чиқиб», «бажарилишига қўмаклашиш», «оширили-

шини таъминлаш» «шарт-шароитлар яратиш», «масъулиятини ошириш» жумлалари билан тугалланувчи йўналишлар ХДПнинг кейинги даврдаги фаолияти мезонларини белгилаб берди.

Бундай ёндашув партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ишига ҳам ўз таъсирини кўрсатаётган кўринади. Натижада Халқ демократик партияси фракциясининг ўтган олти ойлик фаолияти фақат умумий таклифлар билдириш ва қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлди, ҳолос. Бу куйи палатада муҳокама этилган қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида яқоқол кўзга ташланди. Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган янги қонун лойиҳаларининг 14 таси қабул қилинди, 9 таси амалиётга жорий этилди.

Улар орасида барча партиялар электроти учун муҳим бўлган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг кучга кириши иқтисодиётнинг турли йўналишларида оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳолини фойдаланиш мақсадида жалб қилиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилаётди. Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган қонуннинг дастлабки лойиҳасини янада мукамаллаштириш учун Қонунчилик палатасида фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар фракциялари фаол иш олиб бордилар. Қонуннинг ишлаб чиқишига маъсул этиб белгиланган Саноат,

қурилиш ва савдо масалалари қўмитасига лойиҳани такомиллаштириш юзасидан сиёсий партия фракциялари, депутатлар томонидан икки юздан ортқ таклифлар келиб тушди.

Хусусан, O'zLiDeP фракциясининг ушбу масаладаги ёндашуви қонун лойиҳасининг мамлакатимизда тадбиркорликнинг янги бир шаклини яратиш, шу орқали аҳоли кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш учун қўшимча имконият яратишга қаратилганлигидан келиб чиқди. Маълумки, шаклландан амалиётга кўра, ҳар қандай қонун лойиҳаси асосан биринчи ва иккинчи ўқиш мобайлида такомиллашади. Шу боисдан фракциянинг қонун муҳокамасига бағишлаб ўтказилган ҳар бир мажлисида лойиҳа модда-модда таҳлил қилинди. Қонуннинг дастлабки вариантга мўнасивида O'zLiDeP фракциясининг нуқтаи назари акс эттирилган янги мўқобил лойиҳа ишлаб чиқилди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари ҳам лойиҳанинг биринчи ўқишдаги муҳокамаларидан сўнг ўз электроти манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонун юзасидан нуқтаи назарини баён қилдилар. Бирок унда қонун лойиҳаси ЎзХДП Сайловдаги дастури билан тўлиқ ҳамоханлиги эътироф этилиб, қўллаб-қувватланиши билдирилди, ҳолос. Қонунни такомиллаштириш юзасидан берилган қарийб уч қозоғга жамланган таклифлар билан танишиб, бирор-бир ҳуқуқий атама номини ўзгартириш, ёки уни қонун матнидан бутунлай олиб ташлаш ҳақидаги фикрлар ўрин олганига гувоҳ бўласиз. Бу эса халқ демократларининг умумий фикрлар билан чекланиш ва қўл қўтариш тасдиқлашдан нарига ўта олмаётганини кўрсатади.

Муносабат

ЯНА БИР БОР РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА


Хабарлар

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

20-Лағмон сайлов округидан халқ депутатлари Қарши туман кенгаши депутати Шарофиддин Алибоевнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Электорат ишончини қозониш, сайловолди дастури ижросини таъминлашга астойдил бел боғлаган депутат ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари хусусида ҳисоб берди. Партия фаоли қишлоқ ёшлари билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни ўйлантириб келаётган муаммоларнинг мақбул ечимларини топишга ҳаракат қилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда 2 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ҳар бирининг ўзига яраша дарду ташвиши бор. Депутатнинг саяб-ҳаракати билан Лағмон маҳалла фуқаролар йиғини биноси қайта таъмирланди. Учрашув чоғида Ш.Алибоев ўзига мурожаат қилган 5 нафар ёш тадбиркорга банкдан кредит олиш ва мустақил иш бошлаш учун ақиддан қўмақлаштиришга ваъда берди.

— Депутатлик имтиёз эмас, балки масъулиятдир, — дейди у. — Биз доимо омма билан бирга бўлишимиз, одамларни қўйиб келаётган муаммоларни жойида ҳал этишимиз лозим. Юқсак ишончга муносиб бўлиш учун астойдил меҳнат қилиш, тинимсиз изланиш талаб этилади. Туманда қорвачилик ва лалми деҳқончиликни ривожлантириш, мева, гўшт, сут, терини қайта ишлайдиган кичик корхоналар ташкил этиш борасида туман Савдо-саноат палатаси ва O'zLiDeP туман кенгаши билан ҳамкорликда янги лойиҳалар устида ишляпмиз.

Учрашувда сўзга чиққанлар маҳалла ва қишлоқларда кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни кенгайтириш, битирувчи ёшларни эркин меҳнат фаолиятига жалб этиш, унутилиб кетаётган қадимий касбларни янада ривожлантириш ва бошқа масалалар юзасидан фикр юритиб, бу борада муҳим тақлиф ҳамда мулоҳазаларни ўртага ташлашди.



НУКУСЛИК БОЛАЛАР МАРКАЗИНИ КУТИШАЯПТИ

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий маркази — Нукус шаҳрида болалар учун энг замонавий дам олиш маркази барпо этилмоқда.

Янги лойиҳага кўра, 12 гектар ҳудудни эгаллайдиган мазкур маскан эғмилишга мўлжалланган сунъий кўл, футбол ва волейбол майдончалари, 320 ўринли амфитеатр, музей, аттракцион ҳамда муҳташам спорт мажмуасидан иборат бўлади. Бундан ташқари, бу ерда хунармандларнинг ижод намуналари сотиладиган дўконлар очилган ҳамда тўтилган. Маълум бўлишича, янги пайтда 1,7 млрд. сўм маблағ эвазига қад ростиладиган марказда қурилиш ишлари авжида. Хусусан, ҳозиргача қўлнинг икки қирғоғини бирлаштирувчи кўприк, соҳил бўйида қайиқлар боғлаб қўйиладиган махсус жой ва дам олувчиларни қўшдан пана қиладиган шийпончалар барпо этилган.

Бу, аввало, қуйидаги асосий омиллар билан боғлиқ. Биринчи навбатда Роғун ГЭСи қурилишининг ҳар жиҳатдан хавфсиз гидроиншоотлар қурилишини таъминлаш бўйича ҳозирги замон талабларига мутлақо мос келмайдиган эски стандартлар, қурилиш норма ва қондалари бўйича 35-40 йил муқаддам, совет даврига хос гигантоманияга ингилишга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган техник-лойиҳа ечимларининг бутунги талабларга мутлақо жавоб бермаслиги билан изоҳланади. Бунини нуфузли мутахассислар ва экспертлар ҳам бир неча бор таъкидлашган.

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Сўнги ўн йилда йирик ГЭС-лар барпо этган қурувчилар (Хитой Халқ Республикасидаги "Уч дара", Россия Федерациясидаги Саяно-Шушенск ва Богучанск ГЭСлари, Жанубий Америкадаги йирик ГЭСлар ва бошқалар) тўнлаш келган кенг қўламли муаммо ва ҳалокатлар бугунги кунда бундай гидроиншоотларга қўйилаётган стандарт ҳамда талаблар мутлақо ўзгаргани, натижада кўп ҳолларда бундай иншоотларни қуриш масаласини қайта кўриб чиқиш, тўхтатиш ва, ҳаттоки, улардан воз кечишга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, совет даври мутахассислари Роғун ГЭСини лойиҳалаштириш давридаёқ ҳал этилмаган қатор муаммолар масалалар юзасидан зарур техник ечимларни топа олмаган эдилар. Жумладан, катта микдордаги сувнинг тўғон остида қоладиган йирик туз қатламга (қалинлиги 100 метрдан зиёд) муқаррар сингиши (фильтрация) ва унинг мазкур қатламга таъсирини бартараф этиш чоралари ҳал этилмаган, шунингдек, қурилиш олиб борилаётган ҳудуддаги тоғ жинслари массасининг тез-тез такрорланиб турадиган вафли силчишлари ҳисобга олинмаган. Утган вақт мобайнида ушбу муаммолар янада мураккаблашди. 1993 йилда Роғун ГЭСидаги вақтинчалик кўтарма тўғонда содир бўлган авария ва мазкур иншоотнинг бутунлай вайрон бўлиши, шунингдек, кейинчалик юз берган бошқа бир қатор авариялар ҳам бунини тасдиқлади.

Иккинчидан, лойиҳада жаҳон амалиётида мисли кўрилмаган, баландлиги 335 метрлик тўғонни барпо этиш кўзда тутилган. Иншоотни бир неча марта Рихтер шкаласи бўйича 9-10 баллини ташкил қилган зилзилалар содир бўлган тоғли жойда қуриш тақлиф этилмоқда.

Роғун ГЭСи қурилиши олиб борилаётган майдон Жанубий Тянь-Шань ва Хисор-Қўқол минтақавий ёриги тизимининг бир қисми ҳисобланган Вахш тектоник ёриғидаги нисбатан янги пайдо бўлган тоғ массивлари яқинида жойлашган. Ушбу зоналар Марказий Осиёдаги энг фаол сейсмик ҳудудлар бўлиб, у ерда 10 баллгача бўлган зилзилалар мунтазам такрорланиб туради. Тожикистонда ўтган асрнинг биринчи ярмида рўй берган бундай зилзилалар 100 мингдан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Мисол учун, 1911 йилда содир бўлган ер силчишининг эста олалиги. Ушунга 9 баллдан ортиқ зилзила Усой уюми ва 20 миллиард куб метр сув сийғимга эга Сарез кўлининг ҳосил бўлишига олиб келди.

Айни пайтда ушбу ҳудудларда сейсмик фаолият даражаси янада ошмоқда. АҚШ геология хизматининг маълумотларига кўра, Роғун ГЭСи қурилаётган майдон жойлашган Помир-Ҳиндикшт тоғ тизмасида бугунги кунда ҳафтасига саккиз мартагача зилзила кайд этилмоқда. Тожикистонда ўртача ҳар тўрт йилда кучли, ҳар 10-15 йилда эса ҳалокатли зилзилалар рўй бermoқда. Кўпбал экспертлар маълумотларини таҳлил қилиш асосида кейинги 10 йил мобайнида ушбу тоғ массивида кучли ҳалокатли зилзилалар юз беришини таъмин қилмоқда. Бунини, шу жумладан, тожикистонлик сейсмолог олимларнинг тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди.

Айни пайтда бундай катта дамбани қуриш учун 80 миллион куб метр тупроқни кўчириш ва ётқизиш ишларини бажариш талаб этилади. Бунинг натижасида сув омборида 14 миллиард тонна сув тўпланади ва тоғ массивига қўшимча босим ҳисил қилади. Бу эса, шубҳасиз, минтақанинг сейсмик жиҳатдан заифлигини

оширади ва шунини ишонч билан айтиш мумкинки, Роғун ГЭСи қурилиши натижасида ушбу ҳудудда зилзилалар такрорланиши янада кучаяди.

Зилзила ёки техноген омиллар натижасида бундай тўғоннинг бузилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Олимлар ва муҳандисларнинг фикрича, бундай ҳолда сув омборида тўпланган 14 куб километр сув ҳосил қиладиган кучли динамик босим катта (соатиға қарийб 500 километр) тезлик билан Вахш дарёси оқими бўйлаб қуйиға 100 метр баландлиқдаги шиддатли тўлқиннинг, таъбир жоиз бўлса, "ясама цунами"нинг юзага келишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида Нурек ГЭСи тўғони, Вахш каскадидаги бошқа барча ГЭСлар ва гидроузеллар бутунлай вайрон бўлади, Нурек, Сарбон, Қўрғонтепа ҳамда Румий шаҳарлари бутунлай сув остида қолади. Боз устига, ушбу тўлқин ҳалокатли ҳаракатини давом эттириб, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистондаги бошқа ўнлаб шаҳарлар бутунлай сув остида қолади. Боз устига, ушбу тўлқин ҳалокатли ҳаракатини давом эттириб, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистондаги бошқа ўнлаб шаҳарлар бутунлай сув остида қолади, мислсиз фожиали оқибатларни юзага келтиради, юз минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлади.

Учинчидан, Роғун ГЭСи лойиҳаси Марказий Осиё мамлакатлари атроф-муҳити ва иқтимоий-иқтисодий соҳаларига узок йиллар ўнглаб бўлмайдиган даражада катта хавф солади.


Катта гидроиншоот қурилиши минтақадаги заиф экологик мувозанатга путур етказди, сув ҳўжаллиги ва экологик вазиятга ҳалокатли таъсир кўрсатди. 14 куб километр ҳажмдаги сув резервуарини ҳосил қилиш камида 8-10 йил давомида Вахш дарёси оқимини кескин чеклашни талаб қилади. Бу эса минтақада сув оқимидан кўп йиллар самарали фойдаланиш ва уни бошқариш жараёнини бутунлай издан чиқаради, ҳатто, шубҳисиз ҳам танқислиги ортиб бораётган сув ресурсларининг ҳалокатли даражада камайиб кетишига олиб келади.

Станциянинг барпо этилиши оқибатида табиий сув оқими тизими бутунлай издан чиқиб, вегетация мавсумида сув ҳажми кескин камаяди, куз-киш даврида эса уни ўтказиш ҳажми ва сарфи ошди. Бу Амударё куйи оқимида жойлашган мамлакатларда ёзда сувнинг кескин камайишига, кучли қурғоқчиликка, шунингдек, кишда ҳалокатли тошқинларга сабаб бўлади.

Амударё оқими гидрологик режимининг ўзгариши натижасида ўзанлардаги йўқотишлар ҳам ортади. Ҳозир ҳам сув тақчил мавсумларда бундай йўқотишлар 15 фоизгача етмоқда. Гидрологик режимнинг ўзгариши оқибатида Амударё куйи қисмидаги кўллар ва ветландларнинг қуриш жараёнини бир неча марта тезлашди, янги шўрхўк ва тақир ерлар пайдо бўлади. Оқибатда у қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган майдонларни туз бўронлари билан зарарлайдиган аёвсиз манбага айланди, тупроқ унмдорлиги ҳамда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади. Бунинг оқибатида дунё миқёсидаги экологик муаммо ҳисобланган Орол денгизи ҳалокати янада мураккаблашади.

Шу тариқа, Ўзбекистон ва Туркманистон ишлаб чиқаришининг иқтисодий асоси бузилади ҳамда куйи мамлакатларнинг Амударё куйи оқимларидаги воҳаларда яшаётган 10 миллиондан ортиқ аҳолиси турмуш тарзи батамом издан чиқади, одамлар қурғоқчилик ва очликка маҳкум бўлиб, алал оқибат бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлади.

Ҳисоб-китоблар шунини кўрсатадики, Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида Амударё куйи қисмида жойлашган мамлакатлар, ху-



МИНГ АФСУСКИ, бугунги кунда Тожикистон томони Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси олдидаги мажбуриятлари билан ҳисоблашмай, Роғун ГЭСида қурилиш ишларини олиб бормаслик тўғрисида эришилган келишувларни ўзбошимчлик билан кўпол равишда бузиб, «ҳавойи гоя»ларини зўр бериб амалга оширишга ҳаракат қилаётганини таъкидлашга тўғри келади.

сусан, Ўзбекистоннинг бевосита иқтисодий йўқотишлари 20 миллиард доллардан ошади. Бу зарарни қоплашни ҳеч ким зиммасига олмоқчи эмас. Уринни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди, деган сув ресурслари тақчиллиги шароитида миллионлаб одамларнинг мажбуран кўчиши билан боғлиқ кўпбал қўшимча иқтисодий ва ижтимоий муаммолар пайдо бўлади, минтақада иқтисодий беқарорлик кескинлашади.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши оқибатида юзага келадиган иқтисодий зарарни ҳисоблаб чиқиш мушкул, қолверанда миллионлаб одамлар чекадиган азоб-уқубат ва бахтсизлик қўламини қайси валюта ва қандай рақамлар билан ўлчаб бўлади? Турган гапки, бундай тўғоннинг қурилиши нафақат техник стандартлар ва иқтисодий мантиққа, балки соғлом ақлга ҳам зиддир.

Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида юзага келадиган айнан мана шу таҳдидлар халқаро жамоатчилиқни, БМТ, Катта тўғонлар бўйича халқаро комиссия, Бутунжаҳон сув кенгаши, Халқаро табиати муҳофиза қилиш иттифоқи каби кўпбал нуфузли халқаро ташкилотлар, Европарламент, АҚШ, Бельгия ҳамда бошқа давлатлар парламентлари аъзолари, Япония, АҚШ, Голландия, Корея Республикаси ҳамда бошқа мамлакатлар илмий-тадқиқот марказларини ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Сўнги бир неча йил мобайнида турли даражада БМТнинг нуфузли тузилмаларида, халқаро илмий-амалий форумлар ва конференцияларда мазкур лойиҳа билан боғлиқ муаммоларнинг кенг қўламли муҳомама этилиши натижасида халқаро ҳамжамията ушбу лойиҳани чуқур, синчковлик билан ҳолис мустақил ҳалқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги тўғрисида принципиал позиция шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, мустақил экспертларнинг фикр-мулоҳазалари трансчегаравий сув оқимларида фойдаланиш соҳасида қабул қилинган халқаро ҳужум нормаларига тўлиқ мос келади. Бу масалалар бўйича БМТнинг қатор конвенциялари (1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция, 1997 йил 21 майда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Халқаро сув оқимларида фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция) қабул қилинган. Мазкур халқаро ҳужжатларда

амалга оширилиши трансчегаравий таъсир билан боғлиқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин трансчегаравий сув объектлари ҳудудда жойлашган барча томонлар манфаатларини албатта ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги талаблар қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, 1997 йилда кўчга кирган Трансчегаравий нуқтаи назардан атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенцияда бундай объектлар қурилишининг экологик оқибатларини тўлиқ ҳисобга олиш ва манфаатдор барча томонларни жалб этган ҳолда, таъсирини ҳар тарафла ма баҳолаш кўзда тутилган.

Жаҳон банки ушбу халқаро ташкилотлар ва тузилмалар фикрларини эътиборга олиб ва халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилда Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини халқаро мустақил экспертизадан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди ҳамда уни амалга ошириш учун 20 миллион доллар ажратди. Европарламент, Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатлардан қатор фирмалар ушбу лойиҳани амалга оширмоқда ҳамда экспертизани 2013 йилнинг биринчи чорагида якунлаши кутилмоқда.

Уз навбатига Тожикистон ҳукумати 2010 йилда мазкур лойиҳа амалга оширилиши оқибатларини мустақил техник-иқтисодий ҳамда иқтимоий-экологик баҳолаш ишлари якунланмагунча ГЭС ҳудудида қурилиш ишларини олиб бормаслик мажбуриятини ўз зиммасига олган. Айни пайтда Тожикистон Халқаро валюта жамғармасининг Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини молиялаштириш учун мамлакат аҳолисини мажбурий равишда пул йиғиш кампаниясини тўхтатиш талабини қабул қилган.

Бирок, минг афсуски, бугунги кунда Тожикистон томони Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси олдидаги мажбуриятлари билан ҳисоблашмай, Роғун ГЭСида қурилиш ишларини олиб бормаслик тўғрисида эришилган келишувларни ўзбошимчлик билан кўпол равишда бузиб, «ҳавойи гоя»ларини зўр бериб амалга оширишга ҳаракат қилаётганини таъкидлашга тўғри келади. Кўпбал фактлар Тожикистон халқаро ҳамжамиятдан пинҳон тутган ҳолда, станция ҳудудида ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган кенг қўламли қурилиш иш-

ларини ёпиқ режимда давом эттириётганидан далолат беради. Айни пайтда станция майдонида, сув ташлайдиган тунеллар қурилишида, машина зали, карьерлар ва станциянинг бошқа объектларида катта ҳажмдаги қурилиш ишларини олиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда, Тожикистон ҳукумат тузилмалари томонидан Роғун ГЭСи иншоотларини лойиҳалаштириш ишларини хорижий (Россия, Украина ва бошқа мамлакатлардан) гудрат ташкилотлари фаол жалб этилмоқда. Бир пайтнинг ўзида Тожикистон томони станциянинг биринчи навбатини ишга тушириш учун зарур бўладиган усунулар, бутловчи буюмлар ва материалларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузмоқда. Жумладан, биринчи энергия блоку учун соғитиб олинган, тайёрланган усунулар аллақачон станция майдонига келтириб қўйилган, иккинчи энергия блокунинг усунуларини тайёрлаш якунланмоқда ва уларни келтириш чоралари қўрилмоқда.

Кейинги бир неча йил давомида Тожикистон катта микдорда бюджет маблағларини ажратиб (ҳар йили 200 миллион доллардан зиёд) билан бир қаторда, Халқаро валюта жамғармаси олдидаги мажбуриятларини бузиб, аксарият Тожикистон фуқароларининг молиявий аҳоли оғирлиғига қарамай, сўнги пайтда Роғун ГЭСи акцияларини аҳолига мажбурлаб сотиш ишларини яна фаоллаштирди.

Ушбу барча хатти-ҳаракатлар яқинда "Ким Роғун лойиҳасига қарши бўлса — тожик халқини душманидир", деб баёнот берган Тожикистон раҳбариятининг кучли таъйиқи остида амалга оширилмоқда.

Табиий савол туғилади: Тожикистон Роғун ГЭСи комплексини қуриш борасида амалга ошираётган бундай ҳаракатлардан қандай мақсадни кўзлаяпти, нима учун кўпбал ҳақли эътирозларни назар-писанд қилмай, халқаро ҳуқуқ нормаларини кўпол равишда бузган ҳолда, станциянинг биринчи навбатини ишга туширишни шогийлиб қурилишини якунлаш ва шу тариқа Жаҳон банки ҳамда бутун халқаро ҳамжамиятни илоҳисиз аҳолида қолдириб, экспертлар ҳамжамияти ва халқаро тузилмалар кескин қарши қийқатган маз-

кур лойиҳани «қонунийлаштириш»дан иборатдир.

Ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш, чалғитиш, амалга оширилаётган ишларни жаҳон жамоатчилигидан бекитиш йўли билан Тожикистон томони вақтдан ютишга ва бошланган ишларни гўёки якунига етказиш орқали халқаро экспертларни Роғун ГЭСи қурилиши билан ноилжликдан мурося қилишга мажбурламоқчи.

Шу билан бир пайтда Тожикистон томони ўз назорати остидаги оммавий ахборот воситалари ва "ёлланма экспертлар" ёрдамида мамлакат аҳолисини Роғун ГЭСи қурилишининг муқобили йўқлиғига ишонтириш мақсадида реал фактлар, халқаро экспертларнинг кўпбал далил-исботларини бутунлай бузиб кўрсатиб, рақамлардан ўз ҳийла-найрағларини асослашда фойдаланган ҳолда маъсулиятсизлик билан ташвиқот олиб боришга уринмоқда.

Улар бу билан ушбу лойиҳа келтириб чиқарадиган ҳалокатли таҳдид ва хавф-хатарлар билан ҳисоблашмай, ўз мақсадлари йўлида ҳақиқий аҳолини бузиб кўрсатиб, мумкин ва мумкин бўлмаган барча воситаларни ишга солган ҳолда Роғун ГЭСини қуришга ҳаракат қилмоқда.

Шунини таъкидлаш керакки, кўпчилик халқаро экспертлар ва Тожикистонда кўшчи — Амударёнинг куйи оқимида жойлашган мамлакатлар Тожикистонни кам маблағ сарфлаган ҳолда, қисқа муддат ичида электр энергияси билан ишонгли таъминлаш муаммосини ҳал этишга ёрдам берадиган, Тожикистон учун ҳам, унга қўшни давлатлар учун ҳам техноген, экологик ва иқтимоий-иқтисодий хусусиятга эга катта хавфларнинг келтириб чиқармайдиган оқилона, муқобил йўлини — қатор кичик ГЭСлар қуриш тақлифини билдирмоқда. Зеро, ушбу муқобил вариантни кўриб чиқил Жаҳон банки томонидан амалга оширилаётган ишларнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Юқорида баён этилган фикрлардан кўйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан. Тожикистон томони халқаро экспертлар ва мутахассисларнинг кўпбал оғохлантиришлари ҳамда тавсияларига беписандлик билан қараб, Жаҳон банки томонидан ўтказилаётган халқаро экспертиза якунига етмай туриб, барча қурилиш ишларини тўхтатиб туриш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни кўпол равишда бузган ҳолда Роғун ГЭСи қурилишини давом эттириётгани билан мутлақо келишим бўлмайди.

Иккинчидан. Бугунги кунда Тожикистон томони халқаро жамоатчилиқ ҳамда Амударё оқимининг куйи қисмида жойлашган мамлакатлардан пинҳона амалга ошираётган сиёсат — Роғун ГЭСи комплекси қурилишининг давом эттирилиши олдиндан айтиб ва кейинчалик ўнглаб бўлмайдиган ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Табиийки, бунини инobatта олмастик мумкин эмас.

ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН ЛОҚАЙДЛИК

ТАХЛИЛЧИЛАР 2050 ЙИЛДА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ОҚИБАТИДА 150 МИЛЛИОН КИШИ ЯШАБ ТУРГАН ЖОЙЛАРИНИ ТАРК ЭТИШГА МАЖБУР БЎЛИШЛАРИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДАЛАР

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Янги минг йилликнинг ўта муҳим ва рад этиб бўлмас муаммоларидан бири бу, шубҳасиз, об-ҳавонинг ялпи исииш муаммосидир. Инсоният юз йиллар давомида ис газларини ҳавога чиқариб келди. XXI асрга келиб эса ўша фаолият учун товон тўлаш муқаррар эканини англаб етаялмиш.

Узоқ йиллар давомида дунёнинг аксарият мамлакатларида об-ҳавонинг ялпи исииши тўғрисидаги фикрларга панжа остидан қараб келингани ҳақиқатан ҳам бугун барча халқлар учун бирдек қимматга тушапти. Агар бироз тарихга мурожаат қилсак, 1992 йили Рио-де-Жанейрода атроф-муҳит масаласига бағишлаб ўтказилган саммит вужудга келган вазият ташвишли эканини, атмосферага чиқарилаётган саноят газлари сайёрамизни газ камерасига айлантираётгани тўғрисидаги рад этиб бўлмас далилларни ошкор этганини кўрамиз.

Аммо қатор йирик давлатлар ҳукумати мавжуд ҳолатга етарли даражада эътибор қаратмагани натижасида бугун Буюк Британияда оддий фуқаролар ҳам об-ҳавонинг ялпи исииш бораётганини қайд эта бошладилар. Мутахассислар ушбу мамлакатдаги об-ҳаво ҳарорати 300 йилдан бери белгилаб борилишини, бироқ энг иссиқ давр бўлган 10 йил (1945 йилдан сўнг), шулардан энг иссиқ 3 йил (1989, 1990 ва 1995 йй.) сўнгги 12 йил мобайнида қайд этилганини таъкидламоқдалар. Ёмғир ёғиши ҳам ана шундай ғайритабiiй ҳолатни кўрсатапти. 1997 йилнинг январь ойи сўнгги 200 йилдаги ёмғир энг кам ёққан ой бўлди. Океанлардаги тўфонлар шиддати тобо-

ра ошиб, нефть ташувчи кемалар учун хавфли бўлиб бораётгани туфайли Шимолий денгиз нефть саноати нефть қувурларини сув остидан ўтказишга мажбур бўлмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, кейинги йилларда Ер юзидagi ўртача ҳарорат Цельсий шкаласи бўйича 1,5 градусга кўтарилди. Бироқ сўнгги муз давридан то бугунги кунгача, яъни 4 минг йил мобайнида ўртача ҳарорат, бор-йўғи 0,5 градусга кўтарилган эди, ҳолос. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, кўтлардаги муз қатламлари эрий бошлаган, шунинг учун ҳам ҳар йили денгиз сатҳи 5 мм кўтарилиб бормоқда. Европа Иттифоқи Шимолий Норфолк қирғоғи сингарии жойларда денгизни ўз жойида ушлаб туриш учун темирбетон тўсиқларга миллионлаб евро маблағ сарфламоқда. Аммо ана шундай бир пайтда олимлар қасоскор табиатга қарши энг мукамал тўсиқлар қачонгача чидаб беришини қизгин муҳокама қилишда давом этмоқдалар. Бундай нохуш хабарнинг яхши жиҳати ҳам бордек туюлиши мумкин. Яъни, кўпчилик аҳоли ҳароратнинг кўтарилишини ижобий ҳолат, деб қабул қилмоқда. Бунга орадан 30 йил ўтиб, Жанубий Англиянинг баъзи бир туманларида апельсин ўстириш имкони пайдо бўлиши мумкинлиги мисол сифатида кўрсатилаяпти. Фермерлар эса иссиқ ёз ва қуруқ қиш мавсумларини мўлжаллаб ҳосил етиштириш учун татто уруғ сотиб ола бошладилар. Шарқ дунёси учун эса умумий манзара ташвишлироқдир. Хусусан, Форс кўрфази мамлакатлари, Африканинг бир қатор давлатлари иқтисодиётларининг нефть ва газга боғлиқлиги сабаб атроф-муҳит муҳофазасига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Натижада



фалокатнинг қутилмаган аломатлари пайдо бўлмоқда. Хусусан, Африканинг Чад, Мали, Нигер каби мамлакатларида ёғингарчилик ҳар 10 йилда 10 фоиз камайиб бормоқда. Саҳрои Кабирнинг қум океани кенгаймоқда. Қум барханлари саҳронинг жанубий чеккаларидаги яйлов ва экин ерларига босиб келаётир.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Жазиоирда ёғингарчиликнинг 15 фоиз қисқариши деҳқончиликка мўлжалланган ерларнинг ишдан чиқишига ва шаҳарларга кўчиб кетувчилар сонининг ошишига сабаб

бўлаётир. Шунга ўхшаш вазиятни Мароқашда ҳам кўриш мумкин. Мамлакатда 1995 йилдагина барҳам топган қуруқчилик ҳали ҳеч кимнинг ёдидан чиққани йўқ. Яман эса Ҳинд океанидаги муссонлар структураси ўзгаргани туфайли катта зарар кўрди, бу ҳам об-ҳавонинг ялпи исииши билан боғлиқдир. Бангладешда эса муаммо сув етишмаслигидан эмас, аксинча, унинг ҳаддан зиёдлигидан келиб чиқмоқда. Бу ерда ҳар 3-4 йилда рўй берадиган тошқинлар, муссонларнинг структураси ўзгаргани баробарида, Ҳимодлай тоғларидаги улкан худудларда тупроқдаги намликни тутиб қоладиган ўрмонларнинг аёвсиз кесилиб кетиши билан боғлиқдир.

Оксфорд университети муаллими Норман Майернинг фикрича, 2050 йилга бориб денгиз сатҳининг кўтарилиши ва қишлоқ ҳўжалигида юз берадиган ўзгаришлар оқибатида 150 миллион киши ўзи яшаб турган жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бундай кишиларнинг 15 миллиони бангладешликлар ва 14 миллионини мисрликлар ташкил этади.

Бироқ бу рақамлар иқлим ўзгаришининг иккиламчи оқибати келтириб чиқарадиган мигрантларни тўла акс эттирмайди. Инсониятнинг бундай улкан тўлқинлари беқарорликларни ва урушларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Шу билан бирга эпидемияларнинг кенг тарқалиш хавфи бор.

Денгиз сатҳининг кўтарилиши оқибатида Малдив ва Коморос сингарии оролар сув остида қолиб кетади, оролар аҳолиси эса бошқа жойдан бошлана қидиришга мажбур бўлади. Юқоридагидек рақам

ва мисоллар илм-фан далилларига асосланган бўлиб, улар Европа Иттифоқи ва Буюк Британияда чоп этиладиган атроф-муҳитга оид ахборотномалардан олинган. Тўғри, кўплаб мамлакатларда иссиқлик газларининг атмосферага чиқишини чеклаш бўйича баъзи бир тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ бундан буён атмосферага умуман газ чиқарилмаган тақдирда ҳам унда айланаб юрган газларнинг ўзи ҳароратнинг камида юз йилда кўтарилишига сабаб бўлади.

Олимларнинг фикрига кўра, Ер юзи иқлими исииши, қуруқчилик, тошқинлар ва об-ҳавонинг қутилмаган инжиқликларига асосан инсон фаолияти сабаб бўлмоқда. Аслида Ер иқлими ҳамisha ўзгариб туради ва бу табиий жараён-дир. Аммо охириги аср мобайнида иқлим исииши табиий омиллар эмас, инсон фаолияти натижасида келиб чиққан хавотирли ҳолатдир. Иқлим ўзгариши ҳақида гапирар эканмиш, унинг асосий омилларидан бири «иссиқхона эффекти» деб ном олган феноменга алоҳида тўхталиш жоиз. Мутахассислар «иссиқхона эффекти» Куёш энергиясининг Ер сатҳида жамланиб қолишига олиб келаётган омил эканини қайд этмоқдалар. Агарда «иссиқхона эффекти» бўлмаганида эди, Ер юзи иқлими аввалги ҳолатида қолиши ҳам мумкин эди.

«Иссиқхона эффекти»ни

инсон фаолияти натижасида атмосферага чиқарилаётган карбонат ангидрид, метан ва бошқа қатор газлар вужудга келтиради. Уларни асосан санноат корхоналари, кўмирда ишловчи электростанциялар, машина ва авиацияда ишлатиладиган ёнилғи келтириб чиқарапти.

Тахлилчилар 1880 йилдан бери «иссиқхона эффекти»ни келтириб чиқарувчи газлар ҳажми 30 фоизга ошганини, худди ана шу омил Ер юзи иқлимининг исиишига сабаб бўлаётганини таъкидламоқдалар. Агарда «иссиқхона эффекти»ни келтириб чиқараётган газлар ҳажми камайтирилмаса, 2100 йилга келиб Ер сайёраси ҳарорати ўртача 1.4 дан 5.8С даражагача кўтарилиши мумкин.

Лекин газларни атмосферага чиқариш жараёни камай-тирилган ҳолда ҳам иқлим исииши давом этавериши мумкин. Чунки океан, денгиз ва музликларнинг қайта ўзгаришига юз тутиси учун юз йиллаб вақт керак. Бундан ташқари, атмосферага чиқарилган газларнинг зарарсизланиши учун бир неча ўн йилликлар лозимдир.

Шу билан бирга тадқиқотчиларнинг инсон ўз фаолияти орқали Ер юзидаги музликларга тузатиб бўлмас зарар етказгани тўғрисидаги хулосалари бежиз эмаслигини таъкидлаш жоиз. Баъзи олимлар Шимолий Кўтб, Арктикадаги

музликлар келгуси 40-50 йил мобайнида бутунлай эриб, океан сатҳи 7 метрга қадар кўтарилиб кетиши мумкинлигидан хавотирга тушмоқдалар. Лекин айна пайтда яна бир тоифа олимлар бундай эҳтимолларни рад етаяптилар.

«Иқлим ўзгариши бўйича тузилган БМТ ҳукуматларо комиссияси глобал иқлим исииши одам фаолияти билан боғлиқ, деган аниқ хулосага келди», — дея таъкидлаганида, БМТ бош котиби Пан Ги Мун ҳақ эди. Олимларнинг фикрича, Арктика музликлари эриши оқибатида асримизда денгиз сатҳи 18 сантиметрдан 59 сантиметргача кўтарилиши мумкин. Бундан ташқари, Европанинг шимоли-шарқига келаётган илқ океан оқими секинлашиши кутуляпти. БМТ ҳукуматларо комиссияси ҳисоботида глобал илқлашу оқибатида бўрон, тўфон, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар аввалгига қараганда тез-тез содир бўлиши тахмин қилинапти. Узоққа бормаил-да, ўтган ҳафта Японияда юз берган кучли сув тошқинларига эътибор қаратайлик.

Япония расмийларининг сўзларига кўра, мамлакат жануби-ғарбда кузатишган кучли ёғингарчилик оқибатида 250 минг фуқарога ўз уй-жойларини ташлаб чиқиши лозимлиги кўрсатилган. Жанубий Кюши оролида сув тошқинлари ва ер кўчкилари натижасида камида 20 нафар инсон ҳалок бўлган. Япония Метеорология Агентлиги аҳолини яна тошқин ва ер кўчкилари юз бериши мумкинлигидан огохлантирган. Кумamoto префектурасидаги Асо шаҳрида 75 сантиметрдан кўпроқ ёмғир ёққан. Эвакуация зурурати Фукуока, Кумamoto ва Оита префектураларида 85 минг оила ҳаётига таъсир қилди. Биргина Фукуока префектурасидан 190 минг одамга уйларини дарҳол ташлаб чиқиш буюрилган.

Бундай ҳалокатли оқибатлар яна бир глобал кун исииши муаммосини ечиш учун дунёдаги барча давлатлар ҳамжиҳатликда, бамаслаҳат иш кўришларини талаб этади.

Маълумотларга кўра, иқлим исиишининг олдини олиш учун сарфланаётган харажатлар дунёда ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулот ҳажмининг атиги бир фоизини ташкил этар экан. Бу эса муаммо олди олинмаса, сарфланаётган харажатлар ҳажми оширилмас экан, инсоният янада мураккаб ва оғир муаммолар искан-жасида қолиши мумкин, деган хулосани келтириб чиқаради. Айрим маълумотларда эса муаммо ҳал этилмаса, жаҳон иқтисодиёти бундан 20 барбар кўпроқ зарар кўриши мумкинлиги айтилмоқда.

Воқеалар, далиллар, шарҳлар

«MITSUBISI MOTORS» БОР-ЙЎҒИ 1 ЕВРОГА СОТИЛДИ



Голландиянинг «Vi-di-el» компанияси Япониянинг машҳур «Mitsubishi Motors» автомобил ишлаб чиқарувчи заводининг ушбу худуддаги филиалини 1 еврога сотиб олди. Кейинги пайтларда компания томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб пасайиб кетгани ана шундай ҳолатга сабаб бўлгани таъкидланмоқда. Натижада «Mitsubishi Motors» 1500 нафар ходимнинг заводда қолиб ишлаши шарти билан Нидерландиядаги заводини 1 еврога сотишга қарор қилган.

БЕКОРЧИЛАР ЙЎЛИГА ФАҚАТ КИЧИК БИЗНЕС ТЎСИҚ БЎЛИШИ МУМКИН




Мутахассисларнинг фикрича, 2016 йилга бориб еврохудуд мамлакатларида ишсизлар сони 4,5 млн. га ортиб, жами 22 млн. кишини ташкил этиши мумкин. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, ишсизлик даражаси айниқса ёшлар ўртасида юқори бўлади. Экспертлар эса бу мамлакатларда кичик бизнесни янада ривожлантириш, кредит ажратиш миқдорини кўпайтириш орқали ишсизлар сонини бирмунча қисқартиришга эришиш мумкин, дея таъкидламоқдалар.

ИТАЛИЯ БОШИ БЕРК КЎЧАДА



Хабарларга қараганда, Италиянинг давлат қарзлари рекорд даражага етган. Июль ойида эса мамлакат қарзлари яна 17 млрд. еврога ўсганлиги маълум бўлди. Май ойининг ўзида умумий қарзлар миқдори 1,966 трлн. еврони ташкил этган эди. Айна пайтда ҳукумат давлат активларини оммавий сотишни режалаштирапти. Ушбу ҳолат давлат қарзларини яқин беш йилда 20 фоизгача қисқаришига ёрдам беради. Мутахассислар эса Италиянинг ҳозирги молиявий аҳоли мамлакат боши берк кўчага кириб қолганлигидан далолат эканини таъкидлашмоқда.

ХИТӨЙЛИКЛАР УЧУН КАТТА ТАЛОФАТ



Шу кунларда бир неча кун ёққан кучли жала туфайли Хитойнинг жанубий худудларида яшовчи 2 млн. га яқин аҳоли қаттиқ азоб чекмоқда. Табиий офат айниқса Гуйчжоу, Хунань, Цзянси ва Аньхой провинцияларига катта зарар етказган. Маҳаллий ҳукумат вакилларининг таъкидлашича, ушбу офат 11 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Яна уч нафар киши бедарак йўқолган. Хусусан, Хунань провинциясида 750 минг, Цзянсида 168 мингга яқин фуқароларнинг ҳаловати йўқолди. Худудда истиқомат қилувчи 410 мингга яқин киши бошпанасиз қолганлиги айтилмоқда. Шунингдек, кучли сув оқими 21 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги майдонларини ҳам ярқосиз ҳолатга келтирган.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси томонидан 31.05.2011 йилда берилган 2081-сонли маълумотнома йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.



ЎZLEP

XASR

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotX1asr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

